

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВА АЗИЗА БЕКМУРОД ҚИЗИ

**АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИДА
ПСИХОЛОГИК ҚАРАШЛАР**

**19.00.01 – Психология тарихи ва назарияси. Умумий психология.
Шахс психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
psychological sciences**

Қодирова Азиза Бекмурод қизи Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида психологик қарашлар	3
Кодирова Азиза Бекмурод қизи Психологические взгляды в произведениях Аль-Хакима ат-Термизи	23
Kodirova Aziza Bekmurod kizi Psychological views in the works of Al-Hakim at-Termizi	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВА АЗИЗА БЕКМУРОД ҚИЗИ

**АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИДА
ПСИХОЛОГИК ҚАРАШЛАР**

**19.00.01 – Психология тарихи ва назарияси. Умумий психология.
Шахс психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2020.1. PhD/P150 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Бахриддин Мингбоевич
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурасулов Рустам Абдураимович
психология фанлари доктори, доцент

Турсунов Лутфулло Сайфуллаевич
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 26 декабрь соат 09:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: info@tdpu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-82-51.

Диссертация автореферати 2020 йил 11 декабрь куни тарқатилди.

(2020 йил “__” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ғ.Б.Шоумаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, психология фанлари доктори, профессор

Х.А.Кадирова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, психология фанлари номзоди, доцент

В.М.Каримова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатида киритилган буюк намояндаларнинг асарлари, ҳаёти ва ижоди, шунингдек алломаларнинг ижтимоий-психологик қарашларидаги илғор фикрлар ва ғояларини тадқиқ қилишни кенгайтириш ва чуқурлаштириш борасида салмоқли ишлар татбиқ этилган. Бугунги кунда уларни кенг миқёсда ўрганиш, илмий тафаккурни ўзлаштириш ва ислохотлар жараёнида шарқ мутафаккирлари мероси билан боғлиқ қарашлар бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим муассасаларида шарқ мутафаккирлари томонидан яратилган асарлар, илмий мерослар, кадриятлар асосида таълим жараёнини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада алломаларнинг асарларида назарда тутилган психологик қарашларни таҳлил қилиш, улардан таълим-тарбия йўналишида самарали фойдаланиш, илғор технологияларни амалиётга татбиқ этиш ҳамда психологик таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича муҳим илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда буюк алломалар илмий меросини фан соҳалари бўйича ўрганиш, барча фанларнинг интеграцияси ва ўзаро алоқадорлигини таъминлаш таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга имконият яратади. Бугунги кунда бой тарихий, илмий, маънавий-интеллектуал меросимизни сақлаш, илмий таҳлил қилиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида соҳа мутахассислари, тегишли таълим йўналишларида таҳсил олаётган ўқувчи, талаба ва тингловчиларга ал-Ҳаким ат-Термизийнинг психологик қарашларини ёритиб бериб бориш, буюк аллома ва мутафаккирларимиз асарларини дунё ҳамжамияти ўртасида кенг тарғиб этиш, замонавий илм-фан, маънавият ва амалиёт ривожига ундан самарали фойдаланиш ҳамда келгуси авлодларга етказиб бориш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш психологик таълимни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади. Хусусан, буюк намояндалар ҳисобланган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Баҳоуддин Нақшбандий, Бурҳониддин Марғиноний, ал-Ҳаким ат-Термизий ёзган асарларида психологик қарашлар ўзига хос аҳамиятга эгадир. Шу боис, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг психологик қарашларини илмий таҳлил қилиш ва уларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилиш билан боғлиқ изланиш олиб бориш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаёти ва фаолияти акс этган давр тарихи ва илк ислом даврига оид манбалар, ислом дини ривожига ўз фаолиятлари, ёзган асарлари билан хизмат қилган шахсларнинг ижтимоий, педагогик ва психологик қарашлари, ислом динида номлари билан танилган инсонлар фаолиятини ўрганишга қаратилган манбалар маҳаллий олимлардан З.Р.Исоқова, Э.Э.Каримов, Мирзо Кенжабек, Н.Комилов, Б.М.Муртазаев, Ж.О.Омонтурдиев, С.Н.Турсунов, У.М.Уватов, И.С.Усманов, М.С.Хаджиева, М.Х.Холназарова, З.У.Чориев, Ж.О.Чўтматов, Қ.Б.Қодиров томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари В.В.Бартольд, О.Бибиқова, О.Г.Большаков, Т.Б.Кутурга, А.В.Колодин, Муҳаммад Махди, А.Б.Халидов, А.Д.Кныш ва бошқалар томонидан Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларининг илмий жиҳатдан таҳлили олиб борилган.

Хорижий мамлакатлар олимлари А.Ф.Баракат, М.ал-Жуюший, Т.Нельдеке, Й.Марго, Ив Марк, Б.Радтке ва бошқалар томонидан ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида ижтимоий муносабатлар, психология ва педагогика тарихи, психологик қарашларни тадқиқ этишда диний манбаларнинг аҳамияти, сўфийлик таълимоти, диний бағрикенглик, ислом диний ёзма манбаларини ёритишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Тошкент давлат педагогика университети Илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш бош стратегиясининг “Психология фани ва унинг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш” номли устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида психологик қарашлардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларини педагогик, психологик, фалсафий, ҳуқуқий, диний жиҳатларини таҳлил этиш;

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида психологик қарашларини ижтимоий воқелик сифатида такомиллаштириш;

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида психологик қарашларида таълим-тарбияни шакллантиришга қаратилган ғояларини инновацион таълим технологиялари орқали такомиллаштириш;

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида психологик қарашларини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичларини таълим-тарбия жараёнига жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида психологик қарашларни ўқитишда Қарши давлат университети ва Термиз давлат университети Педагогика факультетларининг жами 221 нафар талабалари жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети ал-Ҳаким ат-Термизий асарларидаги психологик қарашлар, илгари сурилган ғоялар, уларнинг мазмун-моҳияти ва таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишнинг психологик жиҳатларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ал-Ҳаким ат-Термизий асарларидаги психологик қарашларни ўрганиш мақсадида контент-таҳлил методи, архив ҳужжатлари, ёзма, фото ва электрон манбалар билан ишлаш, чет тилларидаги адабиётларни ўрганиш, назарий, қиёсий, аналитик, психологик ташхис ва таҳлил, математик ҳисоблаш усулларидан фойдаланилди. Шу билан бир қаторда, тадқиқот муаммосининг назарий жиҳатлари махсус тайёрланган ижтимоий-психологик сўровнома, тарихий манбаларни психологик нуқтаи назардан қиёслаш ва солиштириш, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг яшаш даври билан боғлиқ сана ва муддатлари илмий изчиллик асосида баҳоланди. Таҷриба-синов натижаларининг статистик ишончлилик даражаси Стьюдент-Фишер мезони билан тасдиқланди ва тегишли формуласи орқали корреляция қилинди.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг маънавий етук инсон ривожи билан боғлиқ фикрлари ва қарашлари ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида талқин қилиниб, воқелик ва моҳият жиҳатидан диний кадриятлар ғоясини ўзида ифодаловчи психологик қарашларни вужудга келтирганлиги, инсоннинг хулқи, одоби, турмуш тарзи ва оила-никоҳ масалалари бўйича одам етти хил бошқа-бошқа сайёралар тасарруфида бўлиши ҳақидаги психологик қарашлари илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг асарларида инсон руҳий олами, билиш жараёнлари ва унинг психологик тавсифини қиёслаш ва кузатув усуллари, яъни билим, тушунчалар даражасига мос бўлиши, инсон психикасига таъсир кўрсатувчи воқеа ва ҳодисаларнинг ижобий хусусиятлари ҳамда ислом дини ёзма манбаларида туш сирлари ва унинг таъбирининг психологик жиҳатлари асослаб берилган;

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида оила ва жамият, ҳуқуқ, инсонлараро муносабатлар, тарбия масалаларига оид фикрлар бугунги кунда ҳам ижтимоий-тарбиявий жиҳатдан янги мазмун кашф этиши ҳолатлари ижтимоий воқеликнинг тарбиялаш вазифаси, пир-муридлик қоидалари одобини яратиш зарурати туғилганлиги исботланган;

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларидаги психологик қарашлардан талабаларнинг миллий кадриятлар ва илмий меросга бўлган қизиқишларини шакллантириш орқали ёшларга таълим-тарбия беришга оид илмий-назарий, амалий ва психологик тавсиялар, шунингдек, ёш-келин куёвларнинг диний ҳамда психологик билимини ошириш ва уларни оилавий ҳаётга тайёрлашда алломанинг асарларидаги психологик қарашларда инсоннинг қандай бўлишини бурж остидаги йилнинг бошида, ўртасида ва охирида туғилишига ҳам боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида педагогик, психологик, фалсафий, ҳуқуқий, диний мавзулар ёритилишини тадқиқ этиш мақсадида ижтимоий-психологик саволнома ишлаб чиқиш;

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида психологик қарашларнинг мавжудлиги ҳамда уларни психология тарихи дарслари мазмунига сингдириш;

Ал-Ҳаким ат-Термизий шахси ва асарларини психологик фанлар негизида таҳлил этиш ҳамда изоҳлаш;

Ал-Ҳаким ат-Термизий фаолиятининг донишмандлик ва сўфийлик жиҳатларини психологик жиҳатдан таърифлаш.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот методологик базасининг мукамаллиги, адекват тадқиқот методикаларнинг қўлланилганлиги ҳамда психологик фараз ва тахминларни ишончли ва самарали замонавий математик-статистик усуллардан фойдаланган ҳолда маълумотларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил, талқин қилинганлиги, хулоса, таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ва олинган натижалар илмий анжуманлар фаолияти доирасида муҳокама қилинганлиги билан таъминланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот иши натижалари илмий аҳамияти ал-Ҳаким ат-Термизий асарларидаги психологик қарашлар алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганилганлиги ва улар илмий-назарий жиҳатдан асосланганлиги ҳамда тарихийлик ва илмийлик нуқтаи назаридан таҳлил этилганлиги, педагогик, психологик, фалсафий, ҳуқуқий ва диний йўналишлар бўйича маълумотлар тадқиқ қилинганлиги, психологик қарашларнинг ижтимоий воқелик сифатида ёритилганлиги ва аллома шахси ҳамда фаолиятининг донишмандлик, сўфийлик жиҳатлари психологик жиҳатдан таҳлил қилинганлиги илмий асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертациядаги тавсиялардан бўлғуси психологларда Шарқ мутафаккирлари, шу жумладан ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида психологик қарашлар тўғрисида билим, тасаввурни бойитишда, натижалар ва синов тажрибаларда ишлатилган методларнинг психологлар учун амалий иш дастури сифатида умумий психология, этнопсихология ва дин психологияси каби модулларнинг мазмунини бойитишда ҳамда амалиётчи психологларнинг малакасини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида психологик қарашларини ўрганиш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг маънавий етук инсон ривожини билан боғлиқ фикрлари ва қарашлари ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида талқин қилиниб, воқелик ва моҳият жиҳатидан диний кадрятлар ғоясини ўзида ифодаловчи психологик қарашларни вужудга келтирилганлиги, инсоннинг хулқи, одоби, турмуш тарзи ва оила-никоҳ масалалари бўйича психологик қарашлари Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий

марказининг 2020 йил 5 август П-М-8а-сон буйруғи билан “Умумий психология” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология марказининг 2020 йил 5 августдаги П-М-8а-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу таклифлар ал-Ҳаким ат-Термизийнинг асарларидаги психологик қарашлардан олий таълим жараёнида фойдаланиш ва ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг асарларида инсон руҳий олами, билиш жараёнлари ва унинг психологик тавсифини қиёслаш ва кузатув усуллари, яъни, билим, тушунчалар даражасига мос бўлиши, инсон психикасига таъсир кўрсатувчи воқеа ва ҳодисаларнинг ижобий хусусиятлари ҳамда ислом дини ёзма манбаларининг педагогик-психологик жиҳатларини ёритишга қаратилган таклифлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 5 август П-М-8а-сон буйруғи билан “Умумий психология” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология марказининг 2020 йил 5 августдаги П-М-8а-сон маълумотномаси). Натижада, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг асарларидаги когнитив жараёнларни ривожлантириш борасидаги психологик қарашларидан бўлажак психологларга назарий ва амалий машғулотларда фойдаланилган;

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида оила ва жамият, ҳуқуқ, инсонлараро муносабатлар, тарбия масалаларига оид фикрлар бугунги кунда ҳам ижтимоий-тарбиявий жиҳатдан янги мазмун кашф этиши ҳолатлари ижтимоий воқеликнинг психоэмоционал кўринишларда ифодаланганлиги борасидаги таклифлар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 5 август П-М-8а-сон буйруғи билан “Этнопсихология ва дин психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология марказининг 2020 йил 5 августдаги П-М-8а-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак психологларда тасаввуфнинг диний, фалсафий, психологик билим, кўникма ва малакалари ривожланишига эришилган;

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларидаги психологик қарашлардан талабаларнинг миллий кадриятлар ва илмий меросга бўлган қизиқишларини шакллантириш орқали ёшларга таълим-тарбия бериш, ёш-келин куёвларнинг диний ҳамда психологик билимини ошириш ва уларни оилавий ҳаётга тайёрлашда алломанинг асарларидаги психологик қарашлардан фойдаланиш бўйича психологик тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 5 августдаги П-М-8а-сон буйруғи билан “Оила психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология марказининг 2020 йил 5 августдаги П-М-8а-сон маълумотномаси). Натижада, бу таклифлар ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда психологик тавсиялар ёрдамида диний психологик билимлардан фойдаланиш орқали бўлажак психологларнинг касбий компетентлик даражасини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 4 та республика илмий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса, тавсия, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 125 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларини психологик таҳлил этишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида психологик қараш ва ғояларнинг илмий-назарий асослари, психологик тавсифи, ислом дини вакиллари ва намояндаларининг фикрлари илмий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилинган.

Тадқиқотда ал-Ҳаким ат-Термизий асарларини ўрганиш давомида, алломанинг руҳ ҳақидаги фикрларини таҳлил этилади: “Ҳаким Термизий руҳни баъзи мутасаввуфлар каби илоҳий ва дунёвий деб ажратмайди. Тўғри, олим кубро ва суғро оламини эътироф этади. Бироқ, бу – руҳларни самовий (илоҳий) ва дунёвий (заминий) деб ажратиш эмас, дунёвий руҳиятни инкор қилиш ҳам эмас. Ҳаким Термизийча, ўн саккиз минг оламнинг мавжудлиги – руҳи мутлақ зарраларининг узвий давоми, мавжи, тарқалиши, ёйилиши, тажаллидир. Демак, суғро оламининг қувват манбаи аввал руҳи мутлақ, сўнг унинг зарралари намоеён бўлган мавжудот, яъни касрат оламидир. Руҳи мутлақнинг куч-қудрати мавжудотда ҳар хил зухур этган. Шу сабаб руҳан кучсиз жисм, чунончи инсон ҳам кучли руҳлардан қувват олиб яшайди. Аниқроғи, инсон руҳи мутлақдан, фариштаи малоиклардан, сўнгра, набию авлиёлар каби комил инсонлар руҳидан, Аллоҳнинг жамоли аксланган барча мавжудотлар: ҳаво, сув, самовий жисмлар, табиат ва инсон гўзалликларидан қувват олади. Руҳий қувватдан узилган инсонда тушкунлик ёки залолат юз беради, тириклиги сўна бошлайди, руҳи жисмини тарк этади” деб таъкидланади.

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларидан аллома умрининг охирларида ёзилган таснифлари жумласига “Китоб ул-акйос вал муғтарийн” ва “Китоб ул-фуруқ”

кабиларни ҳам киритиш мумкин. Чунончи, ушбу асарларда муаллифнинг бошқа бир қанча асарлари ҳақида маълумотлар келтирилади. Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларининг мазмун-моҳиятига биноан уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин. Бир туркум асарлари аллома томонидан илм толибларига ўқилган маърузалар, матнлар шаклида бўлса, бошқа бир туркум рисоаларни аллома турли-туман муносабатларга бағишлаб, ёинки ундан савол тарзида сўралган масалаларга жавоб, ўзига билдирилган эътирозларга раддия, ёхуд бирон мураккаб, чигал масаланинг баёни ёинки дўсту-биродарларига йўлланган мактублар ташкил қилган. Шу боисдан ҳам бу туркумга кирган рисоалар ал-Ҳаким ат-Термизийнинг бутун умри давомидаги илмий-ижодий фаолиятининг ўсиши билан тадрижий равишда, босқичма-босқич такомиллашиб борган дейиш мумкин. Унинг асарлари мазмуни ва хусусиятларига қараб уларни аллома яшаган даврдаги илм-фаннинг соҳасига мансуб этиш ҳам қийин. Бинобарин, унинг асарларини тўлиғича на тасаввуфий асарлар жумласига, ёинки на ҳадис илмлари жумласига, на фалсафий асарлар жумласига мансуб этиб бўлмайди. Мана шу ўринда аллома ал-Ҳаким ат-Термизий илмий-ижодий фаолиятини ўрганган қатор тадқиқотчилар ҳам таъкидлаганларидек, ал-Ҳаким ат-Термизий асарларини тасниф этишда ўз даврида мавжуд бўлган йўлдан юрмади, балки у ўз диний қарашлари ва тасаввурларидан келиб чиқиб, ўзига хос бўлган алоҳида йўлни танлади. Ал-Ҳаким ат-Термизий танлаган бу йўл (баъзи араб олимлари бу йўлни ҳатто “мазҳаб” деб ҳам ёзганлар) ўша даврда бепоён ўлкаларгача бориб тарқалган. Бу даврда, афсуски, ислом динининг асл моҳиятини бузувчи тоифалар кўпайди, шу боис ислом динининг ҳақиқий, асл моҳиятини тўғри талқин қилиш жамият учун ғоятда муҳим эди. Ал-Ҳаким ат-Термизий танлаган бу йўлнинг учта йўналиши бўлиб, улар қандай эътиқодга мансуб бўлишидан қатъи назар фақат жамият манфаатларига, инсоннинг маънавий камолотига хизмат қилиши билан умумбашарий аҳамият касб этган эди.

“Ақл ва ҳаво” рисоласи аслида ал-Ҳаким ат-Термизийнинг бизга номаълум қайсидир бир асари бағридаги айрим боб бўлиб, ақл ва ҳаво мавзуи теварагида баҳс юритади. Рисола муҳим қирраларни намоён этиб, унда ақл ва ҳавонинг кураши, уларнинг ҳар бирининг хос ёрдамчи қисмлари тасниф қилиниб, тавсиф этилади. Бунда ал-Ҳаким ат-Термизийнинг одоб масалаларни жуда яхши ўзлаштиргани, аниқ-равшан мисоллардан сабоқлар чиқарилганини кузатамиз. Шунингдек, у зотнинг сўзлардан моҳирона фойдалана олиш истеъдоди ва маъноларни йўналтира олиши, сўзнинг кучини намоёиш этиши кишини хайратга солади. Зеро, муаллиф ўзининг “ҳаким” нисбаси тақозоси ўлароқ, доимо қисқа ва бир қарашда оддий матнларда улкан маъноларни жойлаштиради. Бу у зотнинг барча асарларига хосдир, аллома бошқа асарларида ҳам ақл тўғрисида тўхталган, аммо ҳозирча ушбу ўринда келгани сингари шаклини топмадик. Масалан, фаҳм, унинг шакли басардир. Зидди ваҳмдир. Аломати эса учта: ҳалокатдан омонлик, ҳилм ва Аллоҳнинг ишидан ажабланишнинг йўқлиги. Бу уч нарса билан бўлади: қалб фароғати, Аллоҳга тазарруъ қилиш, токи Аллоҳ унга фаҳмлатади ва ўзаро савол-жавоб, мунозара, музокара қилади. Фаҳмли учун уч хислат бор: каломдаги маҳорат, топқирлик, ҳужжатдаги басар ва дин аҳкомлари билан машғул бўлиш. Қолганлари ҳам шу тарзда.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ўзи ҳам “Жавоб китоб Усмон ибн Саъийд мин ар-Рай” номли асарида “Китоб ул-машойих” рисоласи ҳақида “Китоб сийар ал-авлиё” (“Авлиёлар сийратлари ҳақида китоб”) номи билан эслатиб ўтган. Мазкур асарлар ал-Ҳаким ат-Термизийнинг бизга маълум бўлган илмий-маънавий меросини ташкил қилади. Мана шу бой ва ранг-баранг мазмундаги меросга зоҳиран назар ташлашнинг ўзиёқ, ал-Ҳаким ат-Термизий илмий-маънавий уммонининг ғоятда чексизлиги, унинг тафаккур оламининг кенг қамровли ва бениҳоя чуқурлигидан далолат беради. Айни вақтда, масаланинг мураккаблиги шундаки, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ўзини ҳам, унинг асарларини ҳам аллома яшаган даврдаги бирон-бир илмий фаолият билан боғлиқ ҳолда ёки қиёсий тадқиқ қилиш орқали баҳолай олмаймиз. Бинобарин, унинг хилма-хил мавзуларда ёзилган асарларининг умумий йўналишини ҳам, уларга асос бўлган манбаларни аниқлашда ҳам муайян қийинчиликлар туғилиши табиийдир.

Ал-Ҳаким ат-Термизий уйкуда инсоннинг руҳий ҳолати, яшаш тарзи, ният-мақсади аксланади, дейиш билан тушнинг аввало дунёвий томонини тасдиқлайди. Яхши ва ёмон туш кўришда туш кўрувчининг сифатларини ҳам таъкидлайди. Бу фикрлар руҳий покликнинг моҳиятини очиқ беришдан ташқари, бугунги руҳиятшунослик фанини бойитишда фавқулудда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Ал-Ҳаким ат-Термизий туш сирлари ва унинг таъбири билан шуғулланганликларидан ташқари, жаноби расулуллоҳнинг туш таъбир қилиш усулларини – одобларини ўрганиб, кейинги авлодларга ибрат сифатида ёзиб қолдирган. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг гувоҳлик беришларича, жаноби пайғамбаримиз кўпгина ҳакимлардек тушни яхши ва ёмонга ажратиш таъбир қилмаганлар. У киши ҳар куни бомдоддан сўнг саҳобаларидан туш кўрган бўлсаларингиз, менга айтинглар, деб сўрар эканлар. Саҳобалар бунинг сабаби билан қизиққанларида, жаноби расулуллоҳ: туш ҳақлигини, уни ёмон бўлса ҳам, яхши таъбир қилиш лозимлигини – яхши таъбир билан яхшилик пайдо бўлишини айтадилар ва “Мен сизларга яхшилик тиловчи бўлганлигим учун ҳам яхши таъбир айтурмен” дейдилар.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, тадқиқотчининг фикрича, психологияга оид фанларни ўқитишни қисман бўлса-да, ўзгартириш, уларда талабанинг билимини миллий қадриятлар ва илмий меросга бўлган қизиқишларини шакллантириш асосида олиб боришга маълум маънода эътибор берилиши талаб этилади. Ушбу тарзда ёндашув эса ўз навбатида соҳа мутахассисидан тарихий, диний меросни билишни, ўқув фанларини миллий меросга тааллуқли бўлган манбалар орқали интеграциялашни, таълим-тарбия жараёнида инновацияга оид усуллардан фойдаланишда тарихда ўтган мутафаккирларимизнинг асарларига мурожаат қилишни мунтазам йўлга қўйилишини тақозо этади.

Диссертациянинг **“Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларида психологик фикрлар ва қарашлардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш имкониятлари”** деб номланган **иккинчи бобида** ал-Ҳаким ат-Термизий шахси, илмий-ижодий фаолиятининг ижтимоий-психологик ва педагогик

жиҳатлари, қарашларининг илмий мазмуни ва сўфийлик назарияси, таълим жараёнида алломанинг психологик қарашларидан фойдаланиш имкониятлари таҳлил этилган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий фикҳ илмини ўзидан аввалги алломалардан фарқли икки қисмга бўлади: бири аҳком масалаларини яхши билувчи қонуншунос, иккинчи фақиҳ бўлмоқ унинг фикрича, қалб билан тушуниб етиш ва идрок этиш даражасига етган кишиларгина фақиҳ дейилади. Ал-Ҳаким ат-Термизий фикҳшуносликда аш-Шафъий (767-820) мактаби намояндalари таъсирида бўлгани аллақачон ўз исботини топгандир.

Ал-Ҳаким ат-Термизий кўпчиликка устозлик қилган. Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исо, Ҳасан ибн Али ал-Журжоний, Мансур ибн Абдуллоҳ ибн Холид ал-Ҳиравий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн ал-Ҳайсам, Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Варроқ ат-Термизий ал-Ҳаким, Абулҳасан ал-Қозий, Абулҳусайн Муҳаммад Яҳё ибн Мансур, Абу Али Нишопурий ва бошқалар ал-Ҳаким ат-Термизийдан илм ўргандилар.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг диний фалсафа илми оламида тутган ўрни эса Ив Маркнинг 1976 йилда француз тилида Дакарда чоп этилган “Ал-Ҳаким ат-Термизий ўз замонасининг неоплатонизми” асарида тўла ҳолда ифодасини топди. Шунингдек, ал-Ҳаким ат-Термизий қаламига мансуб: “Ал-амсол мин ал-китоб ва-с-суннат” (“Тариқат ривоятлари китоби”) 1975 йилда Али Муҳаммад Биғавий томонидан, “Одоб ал-муридийн ва байон ал-касб” (“Касб баёни ва мурид одоби”) 1976 йилда Абдал Фаттоҳ Баракат томонидан “Маърифат ал-асрор” (“Маърифат сирлари”), 1977 ва 1979 йилларда Муҳаммад Иброҳим ал-Жуюший томонидан нашр этирилган.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг 164 нафар устозлари орасида энг кўп умр кўрган шахслардан бири Солиҳ ибн Муҳаммад ат-Термизийдир (Б.Радткенинг “Ал-Ҳаким ат-Термизий – IX аср Ислом илоҳиётчиларидан бири” номли асарида уларнинг сони 4 тага кўп, яъни 168 та). Рисолада номлари келтирилган шайхлардан Ҳажжож ибн Муҳаммад ал-Массисий ал-Ағвор ҳижрий 206 (милодий 821) йил, Яҳё ибн Абдуллоҳ ал-Ҳарроний ҳижрий 218 (милодий 823) йилда вафот этган. Аксарият шайх-устозларнинг вафот этган саналари ҳижрий 240-260 (милодий 854-874) йиллар оралиғига тўғри келади.

Ал-Ҳаким ат-Термизий таваллуди ва ҳаёти саналарини оидинлаштирувчи яна бир маълумот алломанинг сафарлари йилномасидир. Бу далиллар илк бора 1980 йилда германиялик шарқшунос-олим Б.Радткенинг “Ал-Ҳаким ат-Термизий – IX аср Ислом илоҳиётчилардан бири” номли асарида келтирилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам ал-Ҳаким ат-Термизий илмий ва маънавий меросини ўрганишга кенг имкониятлар яратилди.

Олимларимиздан М.Кенжабекнинг Термиз тазкираси (Тошкент - 2001) ва шарқшунос олим У.Уватовнинг “Ал-Ҳаким ат-Термизий” (Тошкент -2001), “Термизлик икки буюк аллома” (Тошкент - 2005), “Термизлик буюк инсонлар” (Тошкент - 2001) каби рисоалари ал-Ҳаким ат-Термизий дунёвий ва диний бисотини ўрганиш борасида муҳим қадам бўлди. Араб тили билимдони А.Шоший алломанинг “Манозил ул-ибод мин ал-ибода” (Бандаларнинг бандачиликдаги манзиллари. Тошкент - 2003) асарини таржима қилган бўлса,

ёш тадқиқотчи И.Усмонов ат-Термизийнинг “Наводир ал-усул” асаридан 19 боб (усул)ни оммалаштирди (Ал-Ҳаким ат-Термизий. Наводир ал-усул. Тошкент - 2006). Адабиётшунос Р.Абдуллаев “Бадв уш-шаън Абу Абдуллоҳ” (“Абу Абдуллоҳ ҳаёт йўли”) рисоласини форсчадан ўгириб, “Мозийдан садо” (2001 йил 4-сон, 2002 йил 2-сон) ва “Сино” (2002 йил 7-сон) журналларида эълон қилди. Алломанинг “Наврўзнома” ва “Солнома” (Наврўз ва табиат сирлари. Тошкент - 1991) асарларини эса олимлар М.Ҳасаний ва Ғ.Жўраевлар нашр эттирдилар.

Диссертантнинг фикрича, ал-Ҳаким ат-Термизий фаолиятида психология фанига катта аҳамият беради: “Эндиликда руҳиятшунослик (психология) “кишиларнинг психик процессларини ўргатувчи фандир” дейиш етарли эмас. Бу фаннинг ўрганиш объекти мураккаб, ҳаракат доираси кенг. Ундаги муаммоларни ҳал этишда мавжуд билимларимиз талаб даражасида эмас. Хусусан, руҳиятшуносликнинг тасаввуфий асосларини ўрганиш бошқа фанларни билишни ҳам тақозо этади. Масалан, инсон руҳияти ҳақида билганларимиз билмаганларимиздан оз. Бу - диалектик жараён. Чунки инсон ақли, билими чегараланган. Дунёни (илоҳий оламни ҳам) билиш, англаш илоҳий ақл (ақли кулл)да мавжуд. Бироқ бу, ақли жузъ суғро оламини (масалан, инсон руҳиятини) ва унинг кубро олами (илоҳий олам)га муносабатини ўрганолмайди, деган гап эмас. Катта оламнинг барча зарраларини кичик оламда мавжуд экан, бу уни нисбий англашга имкон беради.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Наврўзнома” ва “Солнома” номли асарларидан одамлар кўп вақт фолнома, толеънома сифатида фойдаланганлару, унинг моҳиятини – мантикий асосини баъзи бир реал воқелик билан боғлиқ бўлмаган томонларидан фарқлай олмаганлар. Ҳаким Термизийнинг ўзи ҳам ҳар бир баён охирида “валлоҳу аълам биссавоб” (“Тўғриси Аллоҳнинг ўзи билади”) деб ёзган. Бу камтарлик. “Наврўзнома” ва “Солнома”да ер ҳаёти сайёралар ҳаракати билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Бошқача айтганда, ер ҳаёти, одамлар тақдири ва бошқалар наврўзи олам ҳафтанинг қайси кунда дохил бўлишига қараб белгиланган. Бу бир қарашда асоссиз гапларга ўхшайди. Лекин олим ҳафтанинг “фалон” кунини дохил бўлган йил “фалон” сайёрага тааллуқлидир деб таъкидлайдики, астролог назари билан қаралса, бунинг заминиди жиддий донишмандлик мавжудлиги сезилади. Чунки ер, жумладан одам етти хил бошқа-бошқа сайёралар (Қуёш, Ой, Миррих, Аторуд, Муштарий, Зухра, Зухал) тасарруфида, демак, етти йил бир-биридан фарқли воқеликлар таъсирида, бир-биридан фарқли муҳит қуршовида яшайди.

Ал-Ҳаким ат-Термизий яшаган тарихий, фалсафий-мафкуравий муҳитни англашда IX аср бошларига келиб тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилганлиги, сўфийларнинг руҳий, психологик машқлари ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниқтириш тадбир-усуллари шаклланганлиги, тариқат, маърифат ва ҳақиқат тушунчалари юзага келиб, тасаввуфнинг ушбу уч қисмига оид қарашлар мажмуи тузилган – тасаввуф махсус фан сифатида қарор топганлиги, сўфийни тарбиялаш вазифаси, пир-муридлик қоидалари одобини яратиш зарурати туғилганлиги, натижада шариат ва тариқат, зоҳидлик ва орифлик орасидаги муносабатлар, сўфийларнинг одам ва одам моҳияти, алоқа муомаласи, тавҳид каби масалалар

мунозарага сабаб бўла бошлаганлиги, дин арбоблари билан сўфий шайхлар, айникса, фалсафийлашган тасаввуф тарафдорлари жиддий мафкуравий тортишувларга борганликлари, тасаввуф бутун ислом оламини забт этиб, барча қадимий шаҳарларда хонақоҳлар, йўлларда работлар қурилганлиги ва бунда кўплаб шогирдлар тайёрлана бошлаганлиги, тасаввуфнинг илк даврида мақомат ва тариқат асосларини ишлаб чиқиш, сўфийлик йўриқлари, вазифаларини белгилаш ва бунда илоҳий ҳақиқатларни эл орасида ёйишда, хусусан, Зуннун Мисрий (796-861), Боязид Бастомий (вафоти 875 йил), Ҳаким Термизий ва Мансур Ҳаллож (858-922)нинг хизматлари бекиёс бўлганлигини, бу даврда Бағдод, Басра, Нишопур, Термиз, Балх шаҳарлари тасаввуф ва тариқат марказлари сифатида муҳим ўрин тутганлиги алоҳида таъкидланади.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг донишмандлиги шундаки, у мучалдаги 12 йил самовий 12 бурж таъсиру тасарруфида бўлишини, ер ҳаёти ана шу бурж томонидан бошқарилишини аниқлаган. Дарҳақиқат инсон бирор бурж остида туғилиб, унинг таъсирида яшар экан, гени (уруғи, зуваласи, нутфаси) шу муҳитда йўғрилади, шаклланади. Бу унинг мижози, ақл-заковати, яшовчанлиги кабиларга салбий ё ижобий таъсир қилади. Ҳаттоки, олим инсоннинг қандай бўлишини бурж остидаги йилнинг бошида, ўртасида ва охирида туғилишига ҳам боғлиқлигини таъкидлайди. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ер ҳаёти самовий олам томонидан бошқарилиши ҳақидаги бу таълимоти ҳозир космоснинг ерга, атмосфера (иқлим)нинг бузилиши, инсон мижозига таъсири тўғрисидаги олимларимиз фикрига ҳамоҳангдир.

Ал-Ҳаким ат-Термизий масалага ҳам мутасаввуф, ҳам руҳшунос, ҳам доно-ю зукко педагог сифатида янгича ёндашган: инсон жисм, руҳ (илоҳий, раҳмоний нафс) ва нафс (нафсул аммора – шайтоний нафс)дан иборатлиги, уйқуда руҳ танани (қафасни) вақтинча тарк этиб, сайр этиши, яхши ва ёмон воқеликларга гувоҳ бўлишини баён этган. Таъкидлаш керакки, Ҳаким Термизий инсоннинг қандай туш кўришини унинг жисми (организми)нинг таркибий унсурлари – тупроқ, сув, ҳаво, олов (ўт) ва шу билан боғлиқ физиологик, психологик хусусияти ва мижоз турларидан келиб чиқиб, таҳлил қилган. Бошқача айтганда, олим инсондаги тўрт унсурга қараб тушни ҳам тўрт навга ажратганлар ва яхши туш кўриш ана шу тўрт унсурнинг софлик, тозалик, поклик (бунда руҳий покланиш ҳам тушунилади) даражасига боғлиқ деган хулосага келган.

Тадқиқотчининг фикрига кўра ал-Ҳаким ат-Термизий психологик қарашларида ислом дини қоидалари инсонни ўрганиш, оламини тушуниш, фалсафий дунёқараш, диний аҳкомлар, халқ ифодаси, ахлоқий-этик тушунчалар, ижтимоий ҳаётнинг ривожланиши масалаларини таъкидлайди. Инсоннинг хулқи, одоби, турмуши, никоҳ муаммоларини аниқ кўрсатиб, юзага келиши мумкин бўлган масаларни тушунтиришга ва уларга ечим излашга ҳаракат қилади. Ундан аввал яшаб ўтган уламоларнинг ислом дини бўйича ёзган асарларини баҳолашда ўз фикрини айтиб, бошқа алломалар томонидан ушбу ҳолат ёки масала қандай баҳоланганини баён қилиб, унинг тўғрилигини аниқлашда нималарга, қандай асар ёки шариат қоидаларига таяниш кераклигини ифода қилиб, бу борада аниқ ечимга эга бўлган тавсияларини беради.

Диссертациянинг “Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг психологик қарашлари ва уларни психологик таҳлил этишнинг самарадорлиги” деб номланган учинчи бобида ал-Ҳаким ат-Термизийнинг психологик қарашларга илмий муносабат, баҳслар, улардан таълим жараёнида фойдаланишда услубий ёндашувнинг психологик таҳлили, психологик тажриба-синов ишлари натижалари ёритилган.

Тадқиқот ишини бошлаган вақтда Қарши давлат университети Педагогика ва психология йўналиши ҳамда Термиз давлат университети Педагогика ва психология йўналиши талабалари орасида “Сиз ал-Ҳаким ат-Термизийнинг фаолияти ва унинг психологик ғоялари ҳақида нималарни биласиз?” мавзусида ўтказилган ижтимоий саволномада жами 221 нафар талабадан 63 нафар талабанинг аллома ҳақида умуман маълумотга эга эмаслиги, 73 нафар талаба ислом дини вакили сифатида эшитганлиги, 85 нафар талабанинг ҳадис тўплаган олим сифатида билиши маълум бўлди.

Мазкур рақамлар олий таълим муассасасида алломанинг фаолияти, фикрлари ва ғоялари етарли даражада ўрганилмаганлигини кўрсатди. Лекин, ушбу олий таълим муассасалари айнан тарих, исломшунослик ёки педагогика-психология тарихи йўналишида мутахассис тайёрламаслиги—албатта ҳисобга олиниши зарур, деб қаралди. Қолаверса, тадқиқот-тажриба ишлари ва улардан келиб чиқадиган хулосаларни келажакда фақат таълим соҳасида фаолият кўрсатадиган ёшлар учун эмас, балки кенг оммага мўлжаллаган ҳолда тайёрлашга, ёш авлоднинг онгига сингдириш бўйича тадбирлар ташкил этишга йўналтирилди.

Тадқиқот жараёнида ал-Ҳаким ат-Термизийнинг фаолияти ва психологик ғояларидан психологиядан машғулотлар ва тарбиявий тадбирлар жараёнида фойдаланиш юзасидан кўрсатма ва маслаҳатлар, барча тадбирларни режа асосида ўтказиш юзасидан тавсиялар берилди.

Тажриба-синов ишларини ўтказишда талабаларга қуйидаги саволлар билан муносабат қилинди:

№	Саволлар
1.	Ал-Ҳаким ат-Термизий қаерда туғилган?
2.	Ал-Ҳаким ат-Термизий қайси юртларда бўлиб, илм тўплаган?
3.	Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг тарбияга оид қандай фикрлари ва ғояларини биласиз?
4.	Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг қандай асарларини биласиз?
5.	Қайси асарларини ўқигансиз?
6.	Ал-Ҳаким ат-Термизий жаҳонга қандай фаолияти билан танилган?
7.	Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳадисларининг ёшлар учун қандай аҳамияти бор?

Жавоблар натижаси билим даражасининг 100% лик баҳолаш тизими асосида кўриб чиқилди. Умумий яқунларга кўра энг қуйи ва юқори ўзлаштириш даражаси 21% ва 95% ни ташкил этди.

Тажриба бошидаги ва тажриба охиридаги ўзлаштириш кўрсаткичлари талабалар фоизларини мос равишда X_i ва Y_i лар орқали ҳамда уларга мос келган талабалар сонини эса n_i ва m_i лар орқали белгилаб олиб, қуйидаги икки статистик тақсимотлар ҳосил қилиб олинади:

Тажриба – синов бошидаги маълумотлар:

$$x_i: 21, 32, 42, 50, 54, 60, 72, 90$$

$$n_i: 11, 15, 21, 26, 22, 16, 24, 25$$

Тажриба – синов сўнгидаги маълумотлар:

$$y_i: 25, 36, 48, 60, 65, 72, 81, 95$$

$$m_i: 10, 17, 20, 26, 24, 18, 25, 20$$

Ҳар икки танланма (респондентлар сони) ҳажми

$$N = \sum_{i=1}^8 n_i = 160, \quad M = \sum_{i=1}^8 m_i = 160$$

Энди ҳар икки статистик танланма бўйича тажриба – синов ишлари хатоликлари ҳисоблаб чиқилади. Дастлаб танланма дисперсиялар ҳисобланади.

$$S_x^2 = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^8 n_i (x_i - \bar{x})^2 = 391$$

$$S_y^2 = \frac{1}{M} \sum_{i=1}^8 m_i (y_i - \bar{y})^2 = 384$$

Стандарт оғиш кўрсаткичлари:

$$S_x = \sqrt{391} = 19,8$$

$$S_y = \sqrt{384} = 19,6$$

Вариацион кўрсаткичлар:

$$V_x = \frac{S_x}{\bar{x}} \cdot 95\% = \frac{19,8 \cdot 95\%}{62} = 30,3\%$$

$$V_y = \frac{S_y}{\bar{y}} \cdot 95\% = \frac{19,6 \cdot 95\%}{67} = 27,8\%$$

Ҳар икки статистик танланма бўйича вариация кўрсаткичлари 31% дан кичик. Бу эса ўз навбатида тажриба–синов ишлари қониқарли эканлигини кўрсатади, бу кўрсаткич тажриба сўнгида бошидагига нисбатан

$$V_x - V_y = 30,3\% - 27,8\% = 2,5\% \text{ юқоридир.}$$

Юқорида тажриба–синов ишлари ўрта қийматлари фарқли эканлиги кўрсатилган эди. Энди уларга мос келган назарий (номаълум) μ_x ва μ_y ўрта қийматлар тенглиги ҳақидаги $H: \mu_x = \mu_y$ гипотеза Стьюдент мезони орқали текширилади. Унга мос статистика қиймати:

$$T_{N,M} = \frac{\bar{y} - \bar{x}}{\sqrt{\frac{S_x^2}{N} + \frac{S_y^2}{M}}} = \frac{(63,5 - 56,4)\sqrt{160}}{\sqrt{391 + 384}} = \frac{89,5}{27,8} = 3,2$$

Бу натижаларга асосан ал-Ҳаким ат-Термизийнинг фаолияти ва психологик ғояларини ўрганиш, бўлғуси психолог мутахассислар сифатида шаклланишига яна бир бор ижобий таъсир кўрсатиб, талабаларни маънавий юксак, ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб шаклланишида катта аҳамиятга эга эканлиги исботланиб, талабаларнинг диний кадриятлар юзасидан билимларни эгаллаганлиги, аллома ал-Ҳаким ат-Термизий фаолияти ва асарларидаги психологик ғоялар ҳақидаги билимлари 3,2%га ўсганлиги кузатилди.

Термиз давлат университетида психология фанлари йўналишида, хусусан, умумий психология ва психология тарихи, психология назарияси дарсларида, шунингдек маънавий соатларида, профессор-ўқитувчилар томонидан ташкил этилаётган очик машғулотларда ал-Ҳаким ат-Термизий фаолиятини ва унинг асарларидаги психологик ғояларини ўрганиш, мазмун жиҳатидан қўллаш мумкин бўлган шаклларида фойдаланилмоқда. Масалан, “Умумий психология” фанидан /доц. Х.Шарафутдинова/ I-курс талабаларига ушбу тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган услубий шакл ёрдамида очик дарс ўтказиш тавсия этилди ва дарс якунида талабалар билимининг ўзлаштириш самараси ўсганлиги кузатилди.

Бундан ташқари, Термиз давлат университети Педагогика факультети Психология кафедрасида “Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг фаолияти” ёки “Сўфий алломаларнинг психологик қарашларини ўрганиш” каби мавзуларда ёзилаётган рефератлар, курс, назорат, битирув-малакавий ишлари улар устида ишлаётган талаба-ёшларнинг, маънавий дунёқарашини бойитиб, иккинчидан, диний қарашларга бўлган муносабатни объектив тарзда тушунишга олиб келади.

Юқорида қайд этилган олий таълим муассасаларида 2019 йил сентябрь-декабрь ойлари давомида дарсдан ташқари машғулотлар, миллий ва умумхалқ байрамларига оид тадбирлар, ўқитувчи-талабалар илмий конференциялари, кўрик-танловлар ўтказиш жараёнида ҳам ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари ва улардаги психологик ғояларни ўрганишга бағишланган мавзулар таклиф этилиб, уларни амалда қўллаш бўйича тавсиялар, мавзуга оид саволлар, суҳбат мавзулари берилди ва психологик-педагогик кузатиш ишлари ташкил этилди.

